

**Судланганга жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 13-моддаси талабларига амал қилинмаганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 26 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2008 йил 27 октябрдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодексининг 97-моддасининг 2-қисми "в" банди билан 20 йил 6 ой, 25, 97-моддаси 2-қисми "а", "в", "о" бандлари билан 17 йил, 223-моддасининг 1-қисми билан 5 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 21 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазонинг дастлабки 3 йилини турмада, қолган қисмини умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. 2006 йил июль ойидан 2007 йилнинг июль ойига қадар Б.нинг уйида ёлланма ишчи сифатида яшаб келиб, фуқаролик паспорти ва ишлаган даври учун иш ҳақини талаб қилганида, Б. унинг талабини рад этади ва уйдан чиқариб юборади. Шундан сўнг М. Б.ни қасддан ўлдириш мақсадида режа тузиб, 2007 йил 25 июль куни кеч соат 23.00 ларда маст ҳолда Б.нинг ҳовлисига девор орқали ғайриқонуний равишда кириб, хонадон ошхонасидан пичоқ олиб, сўрида ухлаб ётган ожиз аҳволдаги Б. ва унинг турмуш ўртоғи И.нинг олдига боради. М. Б.нинг кўкрак қафасига пичоқ билан бир марта уриб, қасддан ўлдиргач, И.нинг кўкрак қафаси ва ўнг қўл билан соҳасига пичоқ билан икки марта уриб, И.ни ўлган деб ўйлаб, воқеа жойидан яширинади. М. 2007 йил 26 июль куни эрталаб соат 07.00 ларда белгиланган тартибни бузиб, қонунга хилоф равишда Қозоғистон Республикасига чиқиб кетади.

Суд М.нинг айби тасдиқланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган вазиятда, унга нисбатан ҳар бир

жинояти учун ҳамда жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашда хатога йўл қўйган.

Жиноят кодексининг 13-моддасига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

Иш ҳолатига кўра, М. жиноятларни 2007 йил 25 июлда содир этган бўлиб, унга нисбатан суд ҳукми 2008 йил 27 октябрда чиқарилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилиниб, жазо тизимига умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилган.

Суд М. жиноят содир этган даврда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси амалда бўлмаганлигини эътибордан четда қолдириб, унга нисбатан асоссиз равишда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган.

Апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция судининг хатосини бартараф этмаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 12 сентябрдаги ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, М.га Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в" банди билан 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, унга Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "а", "в", "о" бандлари, 223-моддасининг 1-қисми билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил 20 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ҳамда тайинланган жазонинг ўталмаган қисми амнистия актларига асосан тегишли тартибда қисқартирилди.

***ЖСХ-194-13 назорат иши***